

RISK FACTORS FOR THE DEVELOPMENT OF CHRONIC BRONCHITIS IN CHILDREN

**Ashurova Aziza Shuxratovna, Toshpulatova Gulzor Uralovna,
Mallayev Fayzullo Tursunpo`latovich, Sultonova Zilola Ismatullayevna**

Termez branch of the Tashkent Medical Academy

ARTICLE INFO.

Keywords:

Children, chronic bronchitis, chronic tonsillitis, pneumonia, sinusitis, otitis, mycobacteria.

Abstract

This article examined the formation and development of chronic bronchitis disease in the bronchi-pulmonary system in children, risk factors, causes. Especially in our study, 50 patients aged 8-14 years who underwent an approximate diagnosis of chronic bronchitis were studied at the children's multidisciplinary medical center of the Surkhandarya region and showed that frequent respiratory diseases, immunodeficiency, pneumonia in youth, allergic condition of the organism, the presence of foci of chronic infection, recurrent bronchitis lead to the development of chronic bronchitis.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Долзарблиги

Сўнги йилларда бронх-ўпка тизимида сурункали бронхит касаллиги шаклланиши ва ривожланишини олдини олиш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «Дунёда ҳар олти кишидан бири нафас олиш тизими касаллиги билан хасталанган, ўпка касалликларининг барча турлари орасида, айниқса болалар популяциясида сурункали бронхит улушининг кўпайиши тенденцияси сақланмоқда»[1]

«Бирламчи сурункали бронхит кўп ҳолатларда 7 ёшдан катта болаларда ташхисланмоқда, ўсмирларда эса катта ёшдагилардек 5-7% ҳолатларда кузатилмоқда. Охириги 10 йилликда болаларда нафас олиш тизими касалликлари, айниқса атипик ва оғир кечувчи клиник шакллари билан касалланиш ва ўлим даражаси кўрсаткичлари ортиши кузатилмоқда»[2]. Болаларда сурункали бронхит билан касалланишнинг юқорилиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чоратадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бронхитлар бронх-ўпка системасининг энг кенг тарқалган патологияларидан ҳисобланади. Хозирги пайтда сурункали бронхит алоҳида ажратилган бўлиб, унга маҳаллий пневмосклероз кузатилмаганда бронхларнинг диффуз зарарланиши хос.

Сурункали бронхит кўзиш даврида бронх ажралмасида кўзғатувчилардан гемофил таёкча 15-70%, пневмококк 11-77% ҳолларда топилиши аниқланган. Сурункали бронхит билан оғриган беморларнинг 20-30% ида аллергенларга нисбатан юқори сезувчанлик кузатилади. [3]. Касаллик ривожланишидаги етакчи бўғинини нафас олиш тизими асосий ҳимоя механизми бўлган мукоцилиар аппарат эскалатор функциясининг бузилиши ташкил қилади (Ноников В.Е., 2011).

Тадқиқот мақсади Болаларда сурункали бронхит келиб чиқиш сабабини аниқлаш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Бизнинг кузатувимизда тадқиқот учун 2019-2021-йиллар давомида Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида сурункали бронхит тахминий ташхиси қўйилган 8-14ёшдаги 50та бемор бўлиб, беморларда клиникада йил мобайнида 2-3марта касаллик хуружи, узоқ муддатли продуктив йўтал кузатилган. Ташхисни тасдиқлаш учун беморларга рентгенологик ва бронхологик текширув, фтизиатр консултацияси, зарур ҳолатларда ўпкани компьютер томографияси ўтказилган.

Тадқиқот натижалари: Анамнезида ҳамма болаларда эрта ёшида тез-тез респиратор касалликлар билан касалланиш кузатилган (тез-тез касалланувчи болалар гуруҳи), 5та бемор болада ҳаётининг биринчи йилида пневмония клиник кўринишининг оғир даражаси намоён бўлган. 36та (72%) болада сурункали инфекция ўчоғи (сурункали тонзиллит, синусит, карис) бўлган, 30та (60%) болага 3 йил мобайнида ҳар йили куз-қиш ойларида кучайиб боровчи рецидивланувчи бронхит ташхиси қўйилган, 28та (56%) болалар аллергия касалликларга наслий мойиллик кузатилган бўлиб, клиникасида вақти-вақти билан терида аллергия ўзгаришлар кузатилган. Динамикада текширув ва кузатувда сурункали бронхит ташхиси 6 (12%) болада тасдиқланган бўлиб, улардан 2та (4%) болада текширув натижасида ўпканинг туғма аномалиялари, ўпка гипоплазияси ва Картагенера синдроми (ички органларнинг қарама қарши жойлашуви, синусит, отит, респиратор системани зарарланиши) аниқланган. Қолган болаларда рецидивланувчи бронхит ташхиси исботланган.



Тадқиқотимиздаги бемор болаларда лаборатор таҳлил натижаларига кура бактериологик текширувда pneumokokk 65%, stafilokokk 23%, E-coli, Klebsiella, protey 1% ва бошқа микобактериялар сабабчи эканлиги аниқланди.

Хулоса: Болаларда тез-тез респиратор касалликлар, иммунитет пастлиги, ёшликда ўтказилган пневмониялар, организмнинг аллергия ҳолати, сурункали инфекция ўчоқларининг мавжудлиги, рецидивланувчи бронхит сурункали бронхит ривожланишига сабаб бўлишини кўрсатди. Ўткир бронхит кўпроқ бошланғич мактаб ўқувчиларида (68, 7%), сурункали бронхит эса ўрта мактаб ўқувчиларида (68, 1%) учраши аниқланди. Камдан кам ҳолатларда иккиламчи сурункали бронхит ўпканинг туғма аномалиялари натижасида ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Машарипова М.С., Мусаходжаева Д.А., Файзуллаева Н.Я. Состояние иммунного статуса у детей больных хроническими бронхитами различной этиологии // Журнал теоретической и клинической медицины. – Ташкент, 2017. - №6. - С.58-61. (14.00.00; №3).

2. Машарипова М.С., Файзуллаева Н.Я. Сурункали ва ўткир бронхит билан касалланган болаларда иммун статусни қиёсий баҳолаш // Тиббиётда янги кун. – Ташкент, 2019. - №2 (26). - С.209-213. (14.00.00; №22).
3. А. А. Визель, И. Ю. Визель. Хроническая обструктивная болезнь лёгких — от истоков к современности:// Туберкулез и болезни легких. — 2019. — Т. 97, № 2 (март). — С. 42—49.
4. Uchqun o'g'li, B. S. (2021). BLOOD DISEASES IN SURKHANDARYA REGION, THEIR CAUSES AND PREVENTION. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ISPCIEI), 2-2.
5. Abdullayevich, B. E., & Uchqun o'g'li, B. S. (2021). TRANSITIONAL FEATURES OF ACUTE HERPETIC STOMATITIS IN CHILDREN AND 3. MODERN APPROACHES TO TREATMENT. World Bulletin of Public Health, 1(1), 1-3.
6. Uchqun o'g'li, B. S. Bulvar And Pseudobulbar Syndrome. International Journal on Integrated Education, 3(11), 19-22.
7. Ugli, B. S. U., & Bekchanovich, K. Y. (2020). CLASSIFICATION OF VITAMINS AND DISEASE SYNDROME. Science and Education, 1(1).
8. Madiyev Rustam Zoirovich, Boboyorov Sardor Uchqun o'g'li, & Abdullaeva Dilnoza Ergashevna. (2021). EFFECTIVENESS OF ENDOVIDEOLAPAROSCOPIC TECHNOLOGY IN THE TREATMENT AND EARLY PREVENTION OF INTESTINAL OBSTRUCTION IN CHILDREN. European Journal of Research Development and Sustainability, 2(7), 68-73. Retrieved from <https://www.scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/1067>
9. Sulstonov, R. K., Sodiqova, Z. S., & o'g'li, B. S. U. (2021). Dynamics of Fat Cells of the Bronchial Tree Mucosa in Postnatal Ontogenesis. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES, 2(4), 182-184. <https://doi.org/10.47494/cajmns.v2i4.271>
10. GI Shaykhova, JB Khayitov, Achilov Dilshod Dilmurodovich, Boboyorov Sardor Uchqun o'g'li Journal of Ethics and Diversity in International Communication 1 (6), 109-111, 2021
11. Dilmurodovich, A. D., Bahodirovich, G. Y., Dustqobilovich, A. K., & Uchqun o'g'li, B. S. (2021). Comparative Features of Breast Cancer in Patients with and Non-Suffering with Type 2 Diabetes Mellitus. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 12, 68-70. Retrieved from <http://ejlss.indexedresearch.org/index.php/ejlss/article/view/265>